Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 59 (5152).

23 МАРТ ШАНБА

1974 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

Бош йилликни муддатидан илгари бажарайлик!

СУВ ИНШООТИ ҚУРИЛИШИДА

«Узбекгидроэнергос т р о й» трестига қарашли разрез қурилиш бошқармаси Ангрен дарёсининг юқори йирик тўғон иншоотн қурилишини бошлаб юборди.

Бу ерда 1975 йилнинг охирига борнб 80 миллион кубометр ҳажмдаги сувни ўз бағрига сиғдирадиган улкан сув омбори ҳосил қилинади. Натижада Ангрен-Олмалиқ саноат районларида сув танқислигига барҳам берилади, ўнлаб колхоз ва совхоз ерларини суғориш имкони туғилади.

Айни кунларда Сайфиддин Насриддинов, Мирзақул Азизов ва Қўчқор Матниёзовлар бошлиқ комплекс бригадалар зарбдор меҳнат вахтасида туриб ишлаб, сув иншоотн қурилишини жадаллаштирмоқдалар. Улар шахсий беш йиллик планларини тўрт йилда бажариш мажбуриятини олишган.

4-темир-бетон буюмлари заводининг қолиплаш цехи шу кунларда ишлаб чиқариш жараёнини тўхтатмаган ҳолда реконструкция қилинмоқда. Ф. Булякова, В. Захаровалар бошлиқ қолипловчи бригада аъзолари шароитнинг оғир бўлишига қарамай, кунлик иш нормасини 110 процентдан оширнб бажаришга эришмоқдалар.

Реконструкция ишлари шу йилнинг охиригача тугалланади. Цех ишчилари маҳсулотнинг 80 процентини ёпиқ полигонларда тайёрлаш имконига эга бўладилар.

Ф. ПЕТРОВ.

ДОН, БЕДА ЭКИБ БЎЛИНДИ

Қуйи Чирчиқ районидаги «Москва» колхозининг деҳқонлари кўкламни бекаму-кўст, шай кутиб олдилар. Бу ерда дала ишларининг ҳаммаси социалистик мусобақа асосида ташкил этилган. Ғаллакорлар бир неча кун ичида баҳорикор ерларга дон экиб, ҳар гектар ердан камида 15 центнердан дон етиштириш учун ҳаракат қиляптилар.

Хўжаликда алмашлаб экишнинг тўғри йўлга қўйилиши сабабли янги 40 гектар ерга беда экиб бўлинди. Уруғлик энг яхши ҳайдалган ,текис майдонларга ташланди. Колхозчилар картошка экишни ҳам тамомладилар.

Яқин кунлар ичида хўжалик аъзолари чигит экишни ҳам ёпасига бошлаб юборадилар. Бунинг учун ҳозирдан бошлаб барча экиш агрегатлари тахт қилиб қўйилди.

ДЕҲҚОНЛАР А Ҳ Д И

2-«Пскент» совхози дала меҳнаткашлари республикамиз олтин тўйига муносиб меҳнат совғаси тайёрлашга ,ахд қилиб, кўклам экиш кампаниясига тайёргарликни пухта олиб бормоқдалар.

Айниқса, 3-бўлимда иш қизғин. Механикларнинг ҳам қўли-қўлига тегмайди. Ҳозиргача мавжуд 14 та чопиқ ва ҳайдов тракторлари, 35 та комплект борона ва чизеллар, барча сеялкалар сифатли ремонтдан чиқариб қўйилди.

— Иш қуролнинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлади деганларидек,— дейди тажрибали механик Мамат Бекжўраев,— юбилей йилида олинган юксак социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалик техникасига, уни унумли ишлатила билишга боғлиқ. Шунинг учун ҳам биз техника ремонтнинг сифатига эътиборни кучайтирмоқдамиз.

ҲАМ ДОН, ҲАМ СИЛОС

Тошкент областининг маккажўхорикорлари маккажўхори экишга киришдилар. Янгийўлликлар ва оққўрғонликлар экишни бошлаб бердилар.

Бу йил областда дон ва силос учун 31,5 минг гектар ёки ўтган йилдагидан 5 минг гектар кўп майдонга маккажўхори экилади.

(ЎзТАГ).

ИЛҒОР хўжаликларда макка жўхори экиш бошланди. Қуйи Чирчиқ районидаги Дмитров номли колхоз маккажўхорикорлари бу йил 100 гектар ерга дон учун ва 65 гектар ерга кўк поя учун маккажўхори экадилар. Ҳозир тўртта сеялка мунтазам ишлаб турибди. Суратда: сеялкачи Цой Анатолий ва бригада бошлиғи Цой Валентинлар экиш сифатини текшириб кўрмоқдалар.

Ж. Тўраев фотоси.

САБЗАВОТКОРЛАР ЕНГ ШИМАРДИ

Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхозининг миришкор деҳқонлари 3,5 миллион туп карам кўчати тайёрлаб қўйдилар. Бу пландагидан 1,5 миллион туп кўпдир.

— Далаларга дастлабки карам кўчатини жўната бошладик, — дейди теплица комбинатининг бошлиғи, Маҳмуд Нурматов, — ҳамма ерларда плёнка тагига карам кўчат экилмоқда. Экилган карам кўчатлари баравж ўсмоқда.

Теплица комбинати секцияларида помидор, бодрингдан ташқари, кўплаб карам, бақлажон, болғар қалампири кўчатлари ҳам етиштирилмоқда. 1 миллион ўрнига 2 миллион туп помидор, 200 минг туп бақлажон ва болғар қалампир кўчати етиштирилаётир. Кўчатларнинг ривожи яхши.

Шунингдек, теплица комбинати резаворчилари ҳар квадрат метр майдондан 10 килограммдан ҳосил етиштиришни планлаштирдилар. Ҳозиргача 0,70 гектар майдонга экилган помидордан 5 тонна ҳосил олиб сотилди.

Йил бошидан бери теплицадан 300 килограмм бодринг, 15 тонна редиска тайёрланиб, шаҳар аҳолисига жўнатилди. Бундан ташқари ҳозир 14 минг тувакда бодринг кўчати етиштирилиб, экишга тайёрлаб қўйилди. Бундан йил охиригача 32 тонна бодринг олиш кўзда тутилмоқда.

Теплицанинг Зеби Нурматова, Турсун Солиҳўжаева, Хайри Султонова, Шарифхўжа Тиллахўжаев, Хусанбой Салоҳиддинов, Мовлуда Эшонова, Хумайра Эмиддинова каби азаматлари кунлик топшириқларини ортиғи билан бажармоқдалар.

И. РУСТАМОВ.

КАМБОДЖА ДАВЛАТИНИНГ БОШЛИҒИ, МИЛЛИЙ БИРЛАШГАН ФРОНТИНИНГ РАИСИ, САМДЕК НОРОДОМ СИАНУККА

Сизни, Камбоджа миллий бирлашган фронтининг раҳбарларини, Камбоджанинг барча ватанпарварларини Камбоджа миллий бирлашган фронти тузилганлигининг 4 йиллиги муносабати билан табрик лайман. Камбоджа миллий бирлашган фронти ва Камбоджа миллий озодлик халқ қуролли кучлари шу давр ичида муҳим муваффақиятларга эришдилар.

Совет халқи ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун адолатли кураш олиб бораётган Камбоджа ватанпарварларини ҳамиша қўллаб-қувватлади ва қўллаб-қувватлайверади.

Аминманки, Совет ва Камбоджа халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳар иккала мамлакатимиз манфаатлари йўлида бундан кейин ҳам ривожланаверади.

Н. ПОДГОРНИЙ.

Москва, Кремль,
1974 йил, 22 март.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ ҚУНДАЛИГИ

ТЕХНИКА ЭКИШГА ШАЙ БЎЛСИН

Яқинда матбуотда Андижон область механизаторларининг социалистик мажбуриятлари эълон қилинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган бу мажбуриятларда техникадан фойдаланишни яхшилаш, машиналарнинг кунлик ва смена иш унумини ошириш юзасидан бир қанча тадбирларни кўришган. Улар ҳамма ерда ишни график асосида ташкил қилишга ахд қилдилар. Ремонт даврида, дала ишларини бажариш пайтида ҳам хўжаликларга техника хизмати кўрсатиш анча яхшиланади.

Андижонликлар ташаббусига қўшилган областимиз механизаторлари кўклам экиш кампаниясига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўришяпти. Экиш агрегатларини созлашмоқда. Юқори Чирчиқ райони хўжаликларида тракторларнинг деярлик ҳаммаси тўла ремонтдан чиқариб қўйилди. «Политотдел», «Ленинский путь», Свердлов номли ва бошқа илғор хўжаликларда тракторлар ремонти сифатли ўтказилди. Калинин районидаги 844 тракторнинг ҳаммаси ҳозирдан кўкламга шай. Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ район хўжаликларида трактор ва плугларни тайёрлаш, маккажўхори экадиган агрегатларни ремонт қилиш ҳам ўтган йилга нисбатан анча олдин тугалланди.

Лекин, областимизнинг ҳамма районларида тракторларни, экиш агрегатларини ремонт қилиш ҳалигача тугаллангани йўқ. Айрим хўжалик раҳбарлари бор имкониятларни ишга солиш ўрнига эҳтиёт қисмлар етишмаяпти, деган баҳоналарни рўкач қилиб, кўкламга тайёргарлик кўришни чўзиб юбормоқдалар. Баъзи колхоз ва совхозларда ремонтчиларнинг унумли ишлаши учун тўла шарт-шароит яратиб берилмаган. Техника очиқ жойларда ремонт қилинмоқда. Иссиқ овқат йўлга қўйилмаган. График тузилган бўлса ҳам унинг бажарилиши юзасидан назорат ўрнатилмаяпти. Бундай фактларни Янгийўл, Қуйи Чирчиқ районларида ҳам учратиш мумкин. Бекобод, Оққўрғон районларида ремонт чўзилиб кетяпти. Бу районларда тракторларни тайёрлаш 80 процентдан бажарилган.

Оҳангарон районн совхозларида ҳайдов тракторларининг 65 процентн кўкламга тайёрланганига қандай баҳо бериш мумкин? Плуг ва бошқа агрегатлар ремонтида ҳам аҳвол шундай. Бўка районида 1200 трактордан энди 922 таси қўлдан чиқарилди. Ремонт қилинди, деб ёзилган тракторларнинг ҳам кўпларида камчиликлар бор.

Тракторларнинг барвақт ремонт қилиниши, экиш агрегатларининг кўкламга шай қилиб қўйилиши техникадан фойдаланишнинг унумдорлиги оширади. Ҳар бир дала ишини ўз вақтида ўтказишни талаб қилади.

Фурсат кутиб турмайди. Кўклам экиш кампаниясига саноқли кунлар қолди. Ҳамма ерда ҳам бутун куч ва имкониятларни ишга солиб техника ремонтини қисқа кунлар ичида тамомлаш зарур. Қишлоқ хўжалигининг мутахассислари, район ишлаб чиқариш бошқармалари, колхоз ва совхозларнинг инженерлари ремонтдан чиқарилган чопиқ, ҳайдов тракторларини, экиш агрегатларини яна бир бор синчиклаб кўздан кечириб чиқишлари лозим. Уларнинг биронтаси ҳам дала ишлари бошланганда бузилиб қолмасин. Хўжаликларда диспетчерлик хизмати кўрсатишни яхшилаш керак.

Шуни ҳам айтиш керакки, областимиз хўжаликларида насос агрегатларини тайёрлаш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Экинларни вақтида суғориш учун канал ва арқларни ремонт қилишни тезроқ тамомлаш лозим. Бу соҳада Оҳангарон, Калинин, Оржоникидзе районларида анча ишлар қилинди. Аммо Янгийўл районида бу иш кўнгилдагидек ташкил этилгани йўқ. Хўжаликлардаги мавжуд 117 агрегатдан 66 таси тайёр, холос. Ўрта Чирчиқ районида бу ишга масъулиятли кишилар ажратилмаганлиги сабабли 81 таси насос агрегатидан 26 таси ремонтдан чиқарилган. Бўкада бу соҳадаги тошпирпқ 33 процентни ташкил қилади.

Юқоридаги камчиликларни тузатиш учун барча имкониятлар мавжуд. Хўжалик раҳбарлари ишни пухта ташкил қилиш билан бирга, унинг бажарилиши устидан ҳам системали контрол ўрнатишлари керак. Ана шундагина ҳамма ерда кўклам беками-кўст кутиб олинади, экиш ишлари қисқа муддатларда агротехника талабларига мувофиқ ўтказилади.

ТОШКЕНТДА УЧРАШУВЛАР

Тошкентга келган Норвегия Бош министри Трюгве Браттели 22 мартда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. Ж. Худойбердиев ҳузурида бўлди.

Бўлиб ўтган дўстона суҳбатда меҳмон Ўзбекистон меҳнаткашларининг хўжалик ва маданий қурилишда эришган муваффақиятлари билан таништирилди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, республика Ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Г. А. Габриельянц қатнашдилар.

Суҳбатда мамлакат бўйлаб сафарда ҳурматли меҳмонга ҳамроҳ бўлган СССР Денгиз флоти министри Т. Б. Гуженко, СССР Ташқи ишлар министрлигининг Бош секретари Ю. Н. Черняков, СССРнинг Норвегиядаги элчиси С. К. Романовский иштирок этдилар.

Норвегия томонидан Норвегия диний ишлар ва маориф министри Б. Гьерде, Бош министр мақкамасининг статс-секретари К. Кристенсен, Норвегия ташқи ишлар министрлиги снёсий департаментининг бошлиғи К. Вибе, Норвегия ташқи ишлар министрлиги савдо-снёсий департаментининг бошлиғи Б. Брюн, Норвегия ташқи ишлар министрлиги бўлимининг мудири Д. Стенсет, шунингдек Норвегиянинг СССРдаги элчиси Ф. Якобсен ҳозир бўлдилар.

Шу куни Норвегия Бош министри ва унинг ҳамроҳлари Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини, янги қурилишларини кўздан кечирдилар, Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар. Норвегия ҳукуматининг бошлиғи «Ташсельмаш» заводида бўлди. Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози дала меҳнаткашлари билан учрашди.

(ЎзТАГ).

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

21 март куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида мукофотлар топшириш маросими бўлиб ўтди.

Республика халқ хўжалиги ходимларидан катта бир группасига СССР орден ва медаллари топширилди. Улар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида муваффақиятларга эришганликлари ҳамда 1973 йил топшириқларини ва олинган мажбуриятларни бажаришда фидокорона меҳнат қилганликлари учун ана шу мукофотларга сазовор бўлдилар.

Бир қанча ходимларга Ўзбекистон ССРнинг Фахрий унвонлари берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар ва кўкракка тақиб юриладиган тегишли нишонлар, шунингдек республика Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин топширди.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА БОШОҚЛИ ДОН ВА БЕДА ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИЙЛ 22 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — дон экиш, гектар ҳисобида, иккинчи устун — топшириққа нисбатан процент ҳисобида, учинчи устун — экилган беда, гектар ҳисобида, тўртинчи устун — топшириққа нисбатан процент ҳисобида.

ЯНГИЙЎЛ	795	133,7	306	26,3
КАЛИНИН	522	100,0	392	34,8
Оҳангарон	1290	96,0	180	9,8
Бўка	625	90,2	257	21,5
Бекобод	1385	88,6	762	44,0
Ўрта Чирчиқ	3380	73,3	291	26,3
Оққўрғон	69	63,0	948	92,4
Пискент	327	48,6	20	2,0
Чиноз	542	42,7	109	7,3
Юқори Чирчиқ	2142	36,0	38	2,0
Бўстонлиқ	132	8,0	30	2,7
Қуйи Чирчиқ	20	3,4	1070	121,3
Оржоникидзе	—	—	101	11,0
Область бўйича	11229	53,5	4504	27,5

Изоҳ: Бўка районн бўйичадон экиш ва бошқа барча районлар бўйича беда экиш ҳақидаги маълумотлар аниқланган.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА САБЗАВОТ ВА КАРТОШКА ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИЙЛ 22 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — экилган сабзавот, гектар ҳисобида, иккинчи устун — топшириққа нисбатан процент ҳисобида, учинчи устун — экилган картошка, гектар ҳисобида, тўртинчи устун — топшириққа нисбатан процент ҳисобида.

Пискент	73	59,9	25	125,5
Чиноз	69	51,9	12	18,5
Оржоникидзе	1770	41,1	590	75,7
Калинин	2178	38,1	1268	92,6
Оққўрғон	40	28,2	2,5	7,2
Бекобод	113	27,2	55	90,0
Бўка	24	22,8	8	16,0
Қуйи Чирчиқ	30	22,8	30	94,0
Оҳангарон	264	22,7	150	37,5
Бўстонлиқ	389	19,2	81	17,0
Янгийўл	170	15,0	139	121,0
Ўрта Чирчиқ	31	13,0	25	16,7
Юқори Чирчиқ	23	5,7	54	18,0
Область бўйича	5174	32,1	2439	63,2

МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН

Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхозда ҳам бошқа хўжаликлар каби кўклам экиш кампаниясига ҳар томонлама тайёргарлик қиздирилиб юборилган. Аҳбор Сайдакбаров бошлиқ 8-бригадада аниқловчи йил ҳосили учун пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Далаларга етарли миқдорда маҳаллий ўғит чиқариб қўйилди, ариқ-зовурларни тозалаш ишлари поёнига етиб қолди.

— Бу йилги маррамиз улкан,— дейди бригада бошлиғи, —90 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтаришимиз лозим. Эл-юрт олдида берган ваъдамиз шундай. Шу туфайли ҳар куни 50—60 кубометр ариқ-зовурлар тозаланмоқда, барака уруғи ажратилиб, экишга тахт қилиб қўйилди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ И. В. АРХИПОВНИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Иван Васильевич АРХИПОВ СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари қилиб тайинлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1974 йил 21 март.

БАЙРОҚ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Олмалиқдаги 6-гишт заводлари бошқармасининг коллективи СССР қурилиш материаллари саноати министрлиги ва қурилиш ҳамда бинокорлик материаллари саноати ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини икки ярим йилдан бери ўз қўлида сақлаб келмоқда. Ун икки кварталдан буён кўчма Қизил байроқ билан пул мукофоти Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати министрлигининг мана шу пешқадам коллективига берилади.

МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

— Бундай муваффақиятларга, — дейди бошқарма директори Кенес Қораболаев, — ишчилар қўнимсизлигига барҳам бериш, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ҳамда оғир қўл меҳнатинн механизациялаш ва автоматлаштириш туфайли эришилди. Ҳозирги кунда 100 тайёрлаб, гиштни қолиплашдан тортиб, уни тахлаш ва юклашгача бўлган барча ишлар механизмлар воситаси билан бажарилмоқда.

Гишт табиий газ билан пиширилади. Ун бўлганидан сўнг ёнилгини тежаш масаласига жиддий эътибор бериладигин бўлди. Хумдонлар эшигини очиб-ёпиш автоматлаштирилди. Шу туфайли ҳар бир печда суткасига 960 кубометр газ тежаладиган бўлди. Ун бир ой мобайнида тежалган газ билан яна бир ой ишлаш мумкин.

Илгари хумдонлар эшиги қўл билан очилганда газ ёниқ ҳолича қолиб беҳуда исроф бўларди. Бу жараён автоматлаштирилгани учун эшик очилиши билан газ ўчади. Гишт ҳумдонга жойлаштирилиб, эшик ёпилганда эса газ автоматик усулда қайта аланга олади.

Ўтган йили корхона катта муваффақиятларни қўлга киритди. Йиллик социалистик мажбурият 25 декабрда бажарилиб, 2 миллион 509 минг дона шартли гишт ва 3800 кубометр аглопарит тайёрланди. Меҳнат унумдорлиги пландаги 1,5 ўрнига 2,7 процент ўсди. Шу туфайли 26 минг сўм соф фойда олишга эришилди.

Беш йилликнинг аниқловчи йилида корхона коллективи янада юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. 484 ишчи шахсий пешқадамлик учун социалистик мусобақани авж олдириб юборди. Бу мусобақада қатнашаётган ишчиларнинг ҳар бири йил охиригача 500 сўмлик маблағ тежаш мажбуриятини олган. Социалистик мусобақада коммунистик меҳнат коллективи номини олган 2-аглопарит, блок материаллари тайёрлаш цехлари коллективлари пешқадамлик қилмоқдалар. Шахсий мусобақада эса Сония Маҳмудова, Назир Шокиров, Валентина Горбунова, Алевтина Чукашова сингари ишчилар олдинда бормоқдалар. Улар ўтган йилги иш натижалари учун, «1973 йил социалистик мусобақаси ғолиби» кўкрак нишони билан мукофотланишган. Бундай нишон гишт заводлари бошқармасининг 61 ишчисига берилди.

Корхонада вақтдан ўзиб ишлаётган цехлар сони кўпаймоқда. Масалан, девор материаллари тайёрлаш цехи коллективи графикдан 63 кун ўзиб кетган. Бу тўққизинчи беш йилликнинг ўтган даври мобайнида планга нисбатан 14 миллион дона ортиқ шартли гишт тайёрланди демакдир.

Планга қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқаришда корхонанинг Анас Темургалиев, Нозим Шокиров, Рафқат Галямов сингари ишчилари катта ҳисса қўшишди. Беш йилликнинг учинчи йили планини муддатидан 105 кун олдин бажарган пешқадамлар ҳозир белгиловчи йилнинг учинчи квартали ҳисобига маҳсулот тайёрлашмоқда. Улар йил охиригача планга қўшимча 3,5 миллион дона шартли гишт материаллари тайёрлаш мажбуриятини олишган.

Байроқдор корхонанинг ишчи ва хизматчилари янги-янги имкониятларни ишга солиб, йиллик мажбуриятни 25 декабргача бажариш ва байроқни ўз қўлларида сақлаб қолиш учун астойдил курашмоқдалар.

Ҳ. ХАКИМОВ.

Ўзбекистон ССР. Ўзбекистон Компартияси 50 йиллигига

ЛЕНИН ВА ЎЗБЕКИСТОН

ЛЕНИН ВА КОММУНИСТИК ПАРТИЯ — ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

Ўзбекистон совет миллий давлатининг ташкил этилиши В. И. Ленин ва Коммунистик партия раҳбарлигида ишчилар синфи амалга оширган Улуғ Октябрь социалистик революцияси ишининг бевосита давомидир. Ўзбек халқи социалистик миллий давлат тузиш шарафига Улуғ Октябрь революцияси ғалабаси ва Коммунистик партиянинг ленинча миллий программаси амалга оширилиши туфайли эришди.

Улуғ Октябрь жаҳон тарихининг янги даврини, капитализмнинг емирилиб, социализмнинг қарор топиш даврини бошлаб берди. Октябрь революцияси мамлакатимизнинг ҳамма халқларига ўзларининг миллий давлатини барпо этиш йўлини очиб берди.

В. И. Ленин Коммунистик партиянинг миллий масалага оид чуқур илмий назарияси ва программасини атрофлича ишлаб чиқди, уни амалга оширишга ўзи бевосита раҳбарлик қилди. Ленининг миллий масала ҳусусидаги программаси мазлум халқларни озод қилиш учун, уларнинг демократия ва социализм асосида эркин сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланиши учун кураш программасидир. Халқларнинг дўстлиги, социалистик ҳамкорлиги ва қардошларча ёрдамини вужудга келтириш ва мустаҳкамлаш программасидир, барча миллатлар ва элатлар ўртасида пролетар интернационализми ва тенглик принципларини қарор топтириш программасидир.

В. И. Ленин совет халқлари мустаҳкам бирлигининг қардошларча иттифоқи манфаатларини кўзлаб халқларнинг то ажралиб чиқиб ўз мустақил давлатини тузишгача ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қатъий суратда ҳимоя қилди. «Россия қанча кўпроқ эркин бўлса, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — бизнинг республикамиз великорус бўлмаган, миллатларнинг ажралиб чиқиш эркинлигини нақадар қатъий тан олса, бошқа миллатларнинг биз билан иттифоқ тузишга интилишлари шу қадар кучли бўлади, низолар шу қадар кам бўлади, чинакам ажралиб чиқиш ҳодисалари шу қадар сийрак бўлади ва пировардида Россия пролетар-деҳқон республикаси билан ҳар қандай бошқа миллат республикалари ўртасида тузилган қардошларча иттифоқ шу қадар пухта ва мустаҳкам бўлади» (Асарлар, 24 том, 352—353-бетлар).

Чор Россиясида мустақил миллий давлат тузиш фақат биргина великорус миллатининг имтиёзи бўлган эди. В. И. Ленин ва ишчилар партияси бунга қарши чиқдилар. «Пролетариат, — деб ёзади В. И. Ленин, — имтиёзларнинг ҳаммасига қаршидир, мустасно манфаатларнинг ҳаммасига қаршидир», (Асарлар, 20-том, 439-бет), шу жумладан қандай бўлмасин бирор миллатнинг давлат имтиёзига ҳам қаршидир. Коммунистик партиянинг ленинча миллий программасига асосан барча совет халқлари ўз миллий давлатини барпо этишда ва ривожлантиришда тенг ҳуқуқлидир.

В. И. Ленин Ўзбекистон республикасини ва Ўрта Осиёдаги бошқа совет республикаларини тузиш вазифасини ҳал этишда жуда катта роль ўйнади. У Ўрта Осиё халқларининг эҳтиёжларини, ўлканинг сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий аҳволини, феодализмдан социализмга ўтиш йўлидаги жиддий қийинчиликларни чуқур тушунар эди. В. И. Ленин Ўрта Осиёдаги шароитни ҳар томонлама ҳисобга олиб, тузиш вазифасини ҳал этишда жуда катта роль ўйнади. У Ўрта Осиё халқларининг эҳтиёжларини, ўлканинг сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий аҳволини, феодализмдан социализмга ўтиш йўлидаги жиддий қийинчиликларни чуқур тушунар эди. В. И. Ленин Ўрта Осиёдаги шароитни ҳар томонлама ҳисобга олиб, 1924 йилга келиб Ўрта Осиёда совет миллий давлатларини барпо этишга имконият берувчи қулай шароит вужудга келди. Туркистон ўлка Советлар съезди, В. И. Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, 1918 йил 30 апрелда Туркистонни Автоном Совет Социалистик Республикаси деб эълон қилганди.

Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг «Узбекистон Совет Социалистик Республикасининг ва Узбекистон Коммунистик партиясининг 50 йиллиги тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, В. И. Ленининг 1919 йилда Туркистон коммунистларига ёзган оташин мактуби партиянинг Шарқдаги жуда муҳим вазифаларини баён қилиб берган ажойиб ҳужжат бўлди.

Шу мактубда Владимир Ильич Туркистон коммунистларининг диққат ва эътиборини мустамлака ўтмишнинг қолдиқларини кескин равишда йўқотишга, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда меҳнаткашларнинг ҳар қандай тенгсизлигини тугатишга, туб маҳаллий аҳолини совет ва хўжалик қурилишига кенг равишда жалб этишга, мана шу асосда Совет Туркистони билан Совет Россияси халқлари ўртасида тўла тенглик ва бузилмас дўстлик ўрнатишга қаратди.

НОКАПИТАЛИСТИК ЙЎЛДАН СОЦИАЛИЗМГА

Қисқа давр ичида улуғ рус халқи ва бошқа совет халқларининг қардошларча ёрдами туфайли Туркистон республикасида Совет ҳокимияти янада мустаҳкамланди, ички ва ташқи контрреволюцияга қарши кураш ғалаба билан тугалланди. Халқ хўжалигини тиклашда, ишчи ва деҳқон иттифоқини жипслаштиришда анча муваффақиятлар қўлга киритилди, партия ва совет ходимларининг, меҳнаткаш зиёлиларининг кўп сонли кадрлари ўсиб етишдики, улар социалистик қурилиш вазифаларини оғишмай ҳал қилишга қодир эдилар.

В. И. Ленин самимий шодланди. У VIII Бутун Россия советлар съезди минбарида туриб уларни қизғин табриклади ва бу воқеанинг муҳим аҳамиятини таъкидлади. «Биз Бухоро, Озарбайжон ва Армения Совет республикаларининг тузилганлиги ва мустаҳкамланганлигини ва бу республикаларнинг ўз мустақиллигини тўла тиклаш билан чекланиб қолмасдан шу билан бирга ишчи ва деҳқонлар уларда ҳокимиятни ўз қўлларига олганлигини ҳам табриклашимиз лозим. Бу республикалар Совет ҳокимияти идеялари ва принципларининг ҳаммага тушунарли эканлигини фақат саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатлардагина эмас, фақат пролетариат сингари социал таянчи бўлган мамлакатлардагина эмас, балки шу билан бирга деҳқонлардан иборат асосга эга бўлган мамлакатларда ҳам тезлик билан амалга оширилиши мумкин эканлигини кўрсатадиган ва тасдиқлаб берадиган далилдир. Деҳқон Советлари идеяси голиб келди» (В. И. Ленин. Асарлар, 31-том, 519-бет).

Илгари чор Россияга қарам бўлган чекка ўлкаларда революция ғалаба қозониб, Халқ Совет Республикалари вужудга келгандан кейин Совет ҳокимияти дарҳол ўларни мустақил ва суверен давлат деб танди. РСФСР билан Хоразм ва Бухоро ХСР ўртасида Иттифоқ шартномаси, иқтисодий ва ҳарбий битимлар тузилди. Бу битимларга асосан Совет ҳукуматининг ёш республикаларга берган беғараз ёрдами уларнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда, экономикасининг равнақ топишида маданий қурилишни ривожлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнади. Шартномаларга мувофиқ Совет ҳукумати Хоразм ва Бухоро республикаларининг ҳар бирига 500 миллион сўмдан ёрдам берди. Бундан ташқари, техника, саноат ва озиқ-овқат товарлари билан ёрдам кўрсатди. 1922 йили тўқимачилик, тери пиширишда, қоғоз ва совун тайёрлаш завод ва фабрикалари учун РСФСР Бухоро Халқ Совет Республикасига бепул зарур ускуна ва жиҳозлар етказиб берди. Коммунистик партия топшириғи билан ишчилар синфининг энг яхши вакиллари, халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги мутахассислар узоқ Хоразм ва Бухоро республикаларига келиб меҳнаткашларга янги ҳаёт қуришда кўмаклашдилар. В. И. Ленин томонидан Туркистонга юборилган В. В. Куйбишев, Г. К. Оржоникидзе, М. В. Фрунзе Хоразм ва Бухоро меҳнаткашларига дастлабки демократик ва социалистик ўзгаришларни амалга оширишда, ривожланишнинг нокапиталистик йўлидан социализм сари боришларида бевосита ёрдам бердилар.

Совет халқининг, биринчи навбатда улуғ рус халқининг қардошларча ёрдами туфайли Хоразм ва Бухоро республикаларининг социал-иқтисодий ва маданий соҳаларида туб ўзгаришлар содир бўлди. Натижада 1923 йили Хоразм ХСР ва 1924 йилга келиб Бухоро ХСР қилиб қайта тузилди.

Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати буюк рус халқининг ҳар томонлама, доимий ёрдами Ўрта Осиё халқларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланишида ,миллий давлатлар тузиш учун зарур шарт-шароитлар яратишда муҳим роль ўйнади. Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг республикага Халқлар дўстлиги ордени топширилишига бағишланган тантанали мажлисдаги нутқида шундай деган эди: «Октябрь революциясининг биринчи кунларидан бошлаб большевикларнинг миллий сиёсати қизғин бирдамлик ва маъпавий мадаткорликни реал ва ҳар томонлама қардошларча ёрдамлашиш билан ўзвий равишда қўшиб, ўзида мужассамлаштирди. Мамлакатларимизнинг ҳамма районлари, жумладан интервенция ва гражданлар уруши йилларида оғир вайронгарчиликка учраган марказий районлар ҳам катта капитал маблағларга, ўқимишли ва малакали кадрларга муҳтож эди. Бинобарин Совет ҳокимияти миллий чекка ўлкалар деб аталган районларни тезроқ тараққий эттириш йўлини тутди. Шу боисдан бу ишга рус халқи жуда катта ҳисса қўшди, ниманки топса шунинг ҳаммасини ўзининг Ўрта Осиё қардошлари билан беғараз баҳам кўрди».

Ўрта Осиёда янги совет миллий республикаларини барпо этиш масаласи биринчи марта республикаларнинг ўзлари (жумладан Бухоро Халқ Совет Республикаси) томонидан илгари сурилди.

1924 йил февраль ойида Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленумида миллий чегараланиш ҳақида Бухоро Халқ Нозирлар Советининг раиси Файзулла Хўжаевнинг доклади муҳокама қилинди. Пленум Ўзбекистон ССРни ташкил қилиш ва уни СССРга, Россия, Закавказия Федератив Республикалари, Украина ва Белоруссия ССРлардан кейин бешинчи аъзо бўлиб қўшилиши зарурлиги ҳақида фикр баён қилди. Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ҳам миллий чегараланиш ўтказиш кераклиги ҳақида фикр билдирди.

1924 йил 12 июнда РКП (б) Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Ўрта Осиё республикаларини миллий чегаралаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиб ,Ўзбекистон ва Туркманистон ССРлари тузиш ҳақидаги таклифни мақўллади. РКП (б) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг миллий чегаралаш ҳақидаги қарори Ўрта Осиё халқлари томонидан катта мамнуният билан қарши олинди.

Меҳнаткашлар ташаббуси билан. РКП (б) Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг ёрдами билан Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши ўтказилди.

Миллий-давлат чегараланиш. Ўзбекистон ва Туркманистон ССР тузиш ҳақидаги қарор Туркистон республикаси Советларининг Марказий Ижроия Комитети фавқулодда сессиясида ҳамда Бухоро ва Хоразм Советларининг қурултойларида 1924 йил сентябрида қабул қилинди.

РЕСПУБЛИКАНИНГ ТУЗИЛИШИ

СССР Марказий Ижроия Комитетининг иккинчи сессияси 1924 йил 27 октябрда Ўрта Осиё халқларининг янги совет социалистик республикалари ва областлари тузиш ва Совет Иттифоқи таркибига киритиш тўғрисидаги илтимосини кўриб чиқди ва тасдиқлади. Сессия қарорида бундай дейилган эди: «ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитети меҳнаткаш халқ эркин изҳор қилган хоҳишнинг энг олий қонун эканлигини тасдиқлайди ва ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитети Президиумига Ўрта Осиёда янги ташкил этилган республикаларни шу республикалар Советлари съездларининг қарорларига мувофиқ расмийлаштириш вазифасини юклайди». СССР Марказий Ижроия Комитети сессияси қарор қабул қилган 1924 йил 27 октябрь Ўзбекистон ССР тузилган тарихий кун ҳисобланади.

М. И. Калинин қабул қилинган тарихий қарорнинг аҳамиятини тушунтириб, шундай деган эди: «Ўз республикаларига бирлашган ҳар бир миллат, ҳар бир халққа бизнинг Иттифоқимизда ўз хоҳишини изҳор қилишга ғоят кенг эркинлик берилган. Биз ҳеч нарсани юқоридан туриб зўрлаб ўтказмаймиз. Миллий давлат чегараланиши тўғрисида ҳам худди шуни айтиш керак. Ўрта Осиё халқлари, уларнинг Совет ҳокимияти органлари ва партия ташкилотлари миллий чегараланиш ўтказиш ҳамда мустақил миллий республикалар тузиш тўғрисида ўз ҳоҳишларини изҳор қилдилар. Биз бу ҳоҳишни маъқулладик ва Марказий Ижроия Комитети сессиясида уни давлат қонуни кучига киритдик».

Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши билан бирга Туркистон, Хоразм ва Бухоро Коммунистик партияларини ҳам қайта тузиш ва миллий республикалар компартияларини ташкил этиш зарур эди.

РКП(б) Марказий Комитети Ўзбекистон Компартиясини ташкилий расмийлаштиришга ва мустаҳкамлашга катта аҳамият берди. РКП(б) МК Сиёсий Бюросининг 1924 йил 12 июнда қабул қилган «Ўрта Осиё республикаларини миллий чегаралаш ҳақида»ги қарорида Ўзбекистон ва Туркманистон Компартияларини ташкил қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. РКП(б) МК Сиёсий Бюросининг 1924 йил 30 октябрь қарори билан Ўзбекистон Компартиясининг Муваққат ташкилий партия бюроси тузилди. Ташкилий бюро I съездни чақириш муносабати билан катта тайёргарлик ишларини амалга оширди.

Ўрта Осиёда янги совет миллий республикаларини ташкил этиш, Ўзбекистон ва Туркманистон Коммунистик партияларини тузишдек масъулиятли бир даврда РКП(б) Марказий Комитети Совет давлати ва Коммунистик партиянинг атоқли арбоби, В. И. Ленининг сафдоши М. И. Калининни Миллий Компартияларга бевосита амалий ёрдам бериш учун Тошкентга юборди. М. И. Калинин Тошкентга 1925 йил 2 февралда келди. У бир неча бор меҳнаткашларнинг митинг ва йиғилишларида қатнашиб нутқ сўзлади, ишчи ва деҳқонлар вакиллари билан суҳбатлашди.

1925 йил 6 февралда Бухоро шаҳрида Ўзбекистон Коммунистик (большевиклар) партиясининг I таъсис съезди очилди. Съездда М. И. Калинин РКП(б) Марказий Комитети фаолияти ҳақида доклад қилди. М. И. Калинин ўз докладида Ўзбекистон Компартиясининг партия қурилиши соҳасидаги, республикада социалистик ўзгаришларни амалга ошириш соҳасидаги вазифалари ҳақида тўхталиб ўтди.

Съезд Ўзбекистон Компартиясининг партия бирлигини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларни пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш, ишчи ва деҳқон иттифоқини жипслаштириш, республика экономикасини ва маданиятини ривожлантириш соҳасидаги вазифаларини белгилаб берди.

Съезд Ўзбекистон Коммунистик (большевиклар) партиясини ташкилий жиҳатдан расмийлаштирди. Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетини сайлади. МК масъул секретарлари қилиб В. И. Иванов ва А. Икромов сайландилар.

Ўзбекистон ССРнинг Совет Иттифоқи таркибига тенг ҳуқуқлилик асосида ўз ихтиёри билан киргалиги ўзбек халқининг улуғ рус халқи билан ва СССРнинг бошқа халқлари билан дўстлигини янада мустаҳкамлади ҳамда В. И. Ленининг «буржуазиянинг зулмидан қутулаётган меҳнаткашлар оммаси... бор кучлари билан йирик ва илгор социалистик миллатлар билан иттифоқлашувга ва уларга қўшилувга интилажаклар» деган таълимотини амалда исботлади (Асарлар, 22-том, 376—377-бетлар).

Ўзбек миллий социалистик давлатнинг барпо этилиши, тенглар орасида тенг сифатида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи составига кириши жуда катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 50 йиллиги тўғрисида»ги қарорида кўрсатиладики, «Ленинча миллий сиёсатни амалга оширишда муҳим босқич бўлган миллий чегараланиш чоризмнинг Ўрта Осиё халқларини бир-биридан ажратиб юборишга мўлжалланган мустамлакачилик режими оқибатларини батамом тугатди ва бу халқларни миллий совет давлатида қайта бирлаштириб, экономиканинг ҳамда, мазмунан социалистик ва шаклан миллий маданиятнинг барқ уриб ривожланишига йўл очиб берди».

Ўзбекистон миллий совет республикасининг тузилиши ва унинг СССР составига киргалиги ўзбек халқини мамлакатимиз барча халқлари билан янада жипслаштирди, уларнинг социалистик ҳамкорлигини, ўзаро ёрдамини, қардошларча дўстлигини мустаҳкамлади. Социалистик қурилиш суръатини тезлаштирди.

1925 йил 13 февралда Бухоро шаҳрида Ўзбекистон ССРнинг таъсис этувчи съезди очилди. Съезд Ўзбекистон ССРнинг тузилишини қонуний расмийлаштирди. Советлар съезди, Ўзбекистон халқларининг хоҳишига асосланиб, катта кўтаринкилик билан муҳим тарихий ҳужжат — Ўзбекистон ССР ташкил қилиниши ҳақида Декларация қабул қилди. Декларация бутун жаҳон халқига Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилганлиги ва унинг СССР составига ихтиёрий суръатда киргалигини эълон қилди.

Ўзбекистон Советларининг I таъсис съезди республика давлат ҳокимияти раҳбар органи — Ўзбекистон ССР Советларининг Марказий Ижроия Комитетини сайлади МИК раиси қилиб ўзбек халқининг содиқ фарзанди Йўлдош Охунбобоев сайланди. Советлар съезди Файзулла Хўжаев раислигида республика ҳукуматининг Халқ Комиссарлари Советини тасдиқлади.

Ўзбекистон ССР ташкил этилган вақтдан буён ўтган қисқа давр — 50 йил ичида ўзбек халқининг ҳаётида тарихий катта ўзгаришлар юз берди. Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги, ленинча миллий сиёсат изчиллик билан амалга оширилаётганлиги туфайли ўзбек халқи социал ва миллий зулмдан абадий қутулди, ўз миллий давлатини мустаҳкамлади ва ривожлантирди, кўп сонли, малакали кадрлар етиштирди, қудратли замонавий индустрия ва социалистик қишлоқ хўжалиги яратилди, халқ турмушининг моддий фаровонлиги ва юксак маданий даражасини оширишга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон Совет Шарқида гуллаб-яшнаган республикага айланди.

И. АЛИМОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг партия қурилиши сектори мудири.

Совет Ўрта Осиёси гуллаб-яшнаётганлиги, унинг тез суръатлар билан олға бораётганлиги шонли Коммунистик партиямиз ленинча миллий сиёсатининг бевосита натижасидир. Бу сиёсат интернационализм принципларига асосланган; у ўзини озод қилиш билан бирга барча мазлум халқ оммасини ҳам озод қилаётган ишчилар синфининг тарихий бурчи конкрет ишларда мужассамланаётганлигини кўрсатувчи ёрқин намунадир.

Л. И. БРЕЖНЕВ.



ТОВАРИЩАМ КОММУНИСТАМ ТУРКЕСТАНА!

Товарищи! Позвольте мне обратиться к вам по в качестве Председателя Совнаркома и Совета Обороны, а в качестве члена партии.

Установление правильных отношений с народами Туркестана имеет теперь для Российской Социалистической Федеративной Советской Республики значение, без преувеличения можно сказать, гигантское, всемирно-историческое.

Для всей Азии и для всех колоний мира, для тысяч и миллионов людей будет иметь практическое значение отношение Советской рабоче-крестьянской республики к слабым, донные угнетавшимся народам.

Я очень прошу вас обратить на этот вопрос сугубое внимание, — приложить все усилия к тому, чтобы на примере, делом, установить товарищеские отношения к народам Туркестана, — доказать им делами искренность нашего желания искоренить все следы империализма великорусского для борьбы беззаветной с империализмом всемирным и с британским во главе его, — с величайшим доверием отнестись к нашей Туркестанской комиссии, в строго соблюсти ее директивы, преподанные ей, в свою очередь, от ЦИК именно в этом духе.

Я был бы очень благодарен, если бы мне вы ответили на это письмо и сообщили о вашем отношении к делу.

С коммунистическим приветом
В. Ульянов (Ленин)

В. И. Ленининг 1919 йилда Туркистондаги коммунист ўртоқларга мактуби.

ТАСВИРИ санъатда В. И. Ленин образини яратиш совет рассомларининг ижодида фахрли ўрин тутади. Бу мавзуга Узбекистон мўйқалам усталари ҳам катта эътибор бермоқдалар. Улар яратаётган асарларда доҳийнинг кўпқиррали фаолияти, хусусан, Туркистон билан боғланган ҳаёти ўз акснни топмоқда. Узбек рассоми Қутлуғ Башаров ҳам бу мавзуда бир қатор муваффақиятли асарлар яратди. Шулардан бири «Туркистон делегацияси Кремлда В. И. Ленининг қабулида» деб аталади. Суратда: рассомнинг ушбу асаридан фоторепродукцилни кўриб турибсиз.

РАЙКОМ ВА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXIV съездида сўзлаган якунловчи нутқида бундай деган эди: «Бизни фидокорона ва илҳомбахш меҳнат йиллари кутмоқда. Съезд режаларини биз шу йўсиндагина рўёбга чиқара оламиз...»

Ҳақиқатан ҳам ижодкор совет кишиларининг ҳар бир куни, ҳар бир йили қувончли воқеаларга бой бўляпти. Улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб, янгидан-янги ютуқларга эришмоқдалар.

Буни районимиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Кейинги йиллар ичида район меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини бажара бориб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, хўжаликлар экономикасини мустаҳкамлаш, турмуш фаровонлигини ошириш борасида катта муваффақиятларни қўлга киритаётирлар. Булар партия ташкилотлари ва коммунистлар активлиги ошганлиги, топширилган иш учун масъулиятни ҳис қилиб меҳнат қилинаётганлиги, мусобақанинг кенг қулоч ёйдирилганлиги самарасидир.

Пахтачилик районимиз экономикасида асосий ўринни эгаллайди. Район партия комитети барча коммунистлар ва партиясиз активлар диққат-эътиборини бу соҳани кенг ривожлантириш, ҳосилдорликни ошира бориб, кам сарф қилган ҳолда мўл-кўл ҳом ашё етказиб беришга каратиб келмоқда.

Ўтган уч йил ичида районда пахта ҳосилдорлиги ўсиб 27,1 центнерга етди. Бу даврда аввалги уч йилдагига қараганда она-Ватанга қариб 20 минг тонна кўп дур етказиб берилди.

Беш йилликнинг учинчи йилида район маркази замонавий шаҳарча қиёфасига кирди. Равон, ёруғ кўчалар, икки янги ясли-боғча, дорихона, уч қаватли меҳмонхона, 10га яқин кўп қаватли турар-жой бинолари, универмаг, хўжалик магазини, ресторан-кафе ва бошқа бинолар азамат қурувчилар қўли билан қисқа муддатда қуриб битказилди. Қурилиш катта ҳажмда давом этяпти.

1972 йилдан бошлаб аҳоли табиий газ билан ҳам таъминланмоқда. Водопровод суви, электрлаштириш ҳамма қишлоқларда узил-кесил ҳал этилган.

Янги ерларни ўзлаштириб, уларни сув билан таъминлаш соҳасида ҳам анча ишлар қилинди. 1971 йили бошланган 14 километрлик «Тут» каналини бу йил бетонлаштириш тугалланади. Насос станцияларини реконструкция қилиш, дренаж ва зовурларни тўғрилаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш 1500 гектарга яқин унумдор ерларга экин экиш имкониятини беради.

Бу тадбирларни амалга оширишда район коммунистлари, мутахассислар, сув хўжалиги ходимларимиз фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Депутатлар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳар бир ишга бош-қош бўлиб турибдилар.

«Гулистон» колхозида ҳосилдорлик 32—35 центнерни ташкил қиляпти. Ленин номли колхоз ва 1, 2-«Пискент» совхозларида 30 центнер атрофида ҳосил олинаётир.

Пахтачилик илмини пухта ўзлаштириб олган, фан ютуқлари ва техника кучидан унумли фойдаланиб, йил сайин «оқ олтин» хирмонини юксалтиришга эришаётган пахтакорларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Тельмон номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳакимполвон Қодиров, Ленин номли колхоздан республикада хизмат кўрсатган пахтакор М. Норқулов, 1-«Пискент» совхозидан Ўринбой Мубораков каби ўнлаб азаматлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 35—40 центнерни ташкил этмоқда.

Хўжаликларни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш жойлардаги партия, совет ва бошқа жамоат ташкилотларининг асосий диққат-эътиборида турибди. Бу масала бир неча марта район партия комитетининг бюро, пленум, актив йиғилишларида атрофлича муҳокама қилинди. Масалан, бюро йиғилишларида Свердлов номли, Оҳунбобоев номли колхозлар ва 1-«Пискент» совхози партия ташкилотларининг ҳисоботларини эшитдик. Бу хўжаликларда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар вақтида очиб ташланиб, ютуқларни мустаҳкамлаш юзасидан зарур чоралар кўрилди. Бу яхши самаралар берди.

Калинин номли колхозда беш йилликнинг биринчи йилида қишлоқ хўжалик экинларидан 2104 минг сўм даромад қилинган бўлса, ўтган йили 2634 минг сўм даромад олинди. Хўжалик пахтачиликдан 1973 йилда 1335 минг ўрнига 2154 минг сўм даромад қилди.

«Гулистон» колхози экономикаси тобора мустаҳкамланиб боратир. Колхоз правленияси ва партия ташкилоти қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини комплекс ривожлантириш, ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймаслик, меҳнаткашлар манфаатдорлигини ошириш юзасидан ибратли ишларни амалга оширатир.

Хўжалик ўтган йили пландаги 1724 минг сўм ўрнига 2108 минг сўм даромад қилди. Бевосита ишлаб чиқаришда қатнашаётган кишилар мўмай даромад олаётирлар. Масалан, ўтган йили механизатор Раҳим Алматовнинг бир йиллик даромади 3447 сўмга, сут соғувчи Фотима Норматованинг даромади 2303 сўмга, оддий колхозчи Холма Умированинг даромади эса 2443 сўмга тўғри келди.

Даромад ортиб бораётганлиги туфайли меҳнаткашлар тўқ ва фаровон ҳаёт кечираяптилар. Керовчи қишлоғи жамоли тобора ўзгариб бораётир. Ҳозир колхоздаги 180 хонадон ва иккита мактаб табиий газ билан таъминланган, қишлоқ водопроводлашган. 100 ўринли болалар боғчаси ва 120 ўринли ясли колхозчиларнинг фарзандлари ҳизматида. Колхоздаги 100 дан ортиқ оила ўзининг енгил машинаси ёки мотоциклига эга.

Район партия комитетининг бюроси Оҳунбобоев номли колхоз правленияси ва партия ташкилотининг беш йиллик планни тўрт йилда бажариш юзасидан бошлаган ташаббусини маъқуллади ва райондаги ҳар бир хўжаликда шу асосда зарур тадбирларни ишлаб чиқишини тавсия этган эди.

Бу хўжалик меҳнаткашлари бутун куч-ғайратларини партия ва ҳукуматимиз қўйган вазифаларни бажаришга қаратяптилар. Колхоз пахтакорлари яна 4887 тонна дур топширишса, беш йиллик планни бажришади. Чорвадорлар эса аллақачон айрим кўрсаткичлар бўйича беш йиллик топшириқларни адо этиб қўйишди. Бунга сут ва тухум етиштириш беш йиллик плани уч йилда бажарилгани мисол бўла олади. Ўтган йили хўжалик 350 ўрнига 402,5 центнер сут етиштирди. Бир йилда ҳар бош сигирдан аввалги йилдагига қараганда 249 литрдан кўп маҳсулот олинди.

Калинин номли колхоз чорвадорлари ҳам келгуси беш йиллик ҳисобига маҳсулот топшираётирлар. Бу хўжалик сут соғувчиларидан Диловар Мирзаева, Х. Қўчқорова, С. Қодировалар ҳар бош сигирдан 3100—3300 литрдан сут олаётирлар. Колхоз ўтган йили чорвачиликдан 165 минг ўрнига 234 минг сўм даромад қилди. Ваҳоланки, яқиндагина хўжалик бу соҳадан зарар кўрган эди.

Умуман, район хўжаликларида чорвачилик бўйича кейинги йилларда кескин бурилиш ясалмоқда. Ўтган уч йилда район бўйича ҳар бош сигирдан олинаётган сут миқдори деярли икки марта ортди. Бу даврда гўшт етиштириш 18,5 процент, тухум етиштириш эса 50 процент кўпайди.

ПАРТИЯ ХОДИМИ МИНБАРИ

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган районимиз чорвадорларининг меҳнатлари партия ва ҳукуматимиз томонидан тақдирланмоқда. 1973 йилдаги муваффақиятлари учун 12 чорвадор СССР орден ва медаллари билан тақдирланди.

Дончилик район қишлоқ хўжалигида тобора салмоқли ўрин эгалламоқда. 1971 йилда 3576 тонна, 1972 йилда 3614 тонна дон етиштирилган бўлса, зарбдор йилда 6862 тонна, шу жумладан 4533 тонна буғдой ва арпа, 1100 тонна шоли, 1229 тонна маккажўхори дони етиштирилди. 1973 йилда ҳар гектар майдондан 10,5 центнер ўрнига 13 центнердан, шу жумладан суғориладиган майдонлардан 25,7 центнердан буғдой ва арпа йиғиб олинди.

Эл дастурхонига кўпроқ сабзавот, картошка, қовун-тарвуз етказиб бериш учун курашаётган колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари ҳам йил сайин дуруст натижаларга эришмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг «Ярославль шаҳар партия ташкилотида партия йиғилишларини ўтказиш тажрибаси тўғрисида»ги, Ўзбекистон КП Марказий Комитети II пленумининг «КПСС XXIV съезди қарорлари асосида бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарорлари коммунистлар активлигини оширишда, уларни партия ташкилотларига атрофига маҳкамроқ жипслаштиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўтган йил бошидан бери район партия комитети томонидан ташкил этилган партия қурилиши ва назариясини ўрганиш университети ишлаётир. Унда Тошкент олий партия мактаби ўқитувчилари ва район партия комитетининг масъул ходимлари лекция ўқимоқдалар.

КПСС XXIV съездидан кейин партия ғоявий-назарий фаолиятининг кучайтирилганлиги партия ташкилотларининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ишига самарали таъсир кўрсатди. Бошланғич партия ташкилотлари партия пропагандасини тобора такомиллаштиришга, марксча-ленинча таълимни юксак даражага кўтаришга ва кадрларни ғоявий чиниқтиришга катта эътибор беряптилар.

Партия ўқувининг барча формаларидаги тингловчилар сони икки минг кишидан ошиб кетди. Район партия комитети меҳнаткашлар кенг оммасига иқтисодий таълим бериш юзасидан зарур тадбирлар белгилаб, уни ҳаётга татбиқ этмоқда. Ҳозир районда 2247 тингловчига таълим бераётган 92 иқтисодий мактаб ишлаб турибди.

Партия ўқувини ва меҳнаткашларга иқтисодий таълим беришни намунали йўлга қўйишда пропагандистлардан Эсонбой Бўронов Мусурмонқул Анорбоев, А. Хўжаев, Ж. Кўкиев, Николай Гомозов, Рашид Аймутдинов, Пак Владимир Николаевич, Пўлдош Эргашев каби ўртоқларнинг хизмати катта бўлмоқда. Улар ҳар бир машғулотга пухта тайёргарлик кўриб, мавзуларни маҳаллий фактлар билан боғлаб ўтяптилар.

КПСС Марказий Комитетининг «Партияга, совет халқига Мурожаатида» бундай дейилади: «Биз эртага бугунгидан яхшироқ ишлайдиган бўлсак, у ҳолда бизнинг планларимиз бажарилибгина қолмай, балки ошириб бажарилади ҳам».

Районимиз меҳнаткашлари олдида бу йил — беш йилликнинг аниқловчи йилида янада улкан вазифалар турибди. Бу вазифалар республика қишлоқ хўжалиги идоларининг кўрсатмасига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган. Пискентликлар она-Ватанга 40,5 минг тонна пахта ва кўплаб бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришга аҳд қилдилар. Районимиздаги барча бошланғич партия ташкилотларида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1974 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун қишлоқ хўжалик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарори кенг муҳокама қилинди ва шу асосда конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди. Хўжаликлар, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг колективлари ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олиштилар.

Районимиз меҳнаткашлари кун сайин кенг қулоч ёйиб бораётган социалистик мусобақада актив қатнашиб, 1974 йил план топшириқларининг тўла ва ошириб бажарилишига эришадилар.

Шу кунларда деҳқонларимизнинг асосий диққат-эътибори кўкламги чигит экиш кампаниясини ташкилий ва ҳўжалик ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказишга қаратилган. Коммунистлар мўл ҳосил учун курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар. Район партия ташкилоти мусобақанинг чинакам қудратли кучга айланиши учун зарур тадбирларни амалга оширади. Энг муҳими, биз мусобақа шартларининг изчил ва бекаму кўст, ҳалол бажарилиши учун курашишимиз керак. Мусобақадошлар эришаётган кўрсаткичларни қиёсий таҳлил этиш, ғолибларнинг меҳнатига улар бажараётган ишнинг миқдоригагина эмас, балки иқтисодий фойда келтиришига қараб ҳам баҳо берилади. Бу эса ҳеч шубҳасиз мусобақа самарадорлигини таъминлайди.

С. ВОҲИДОВ,
Пискент район партия комитетининг биринчи секретари.

✦ ОҚҚУРҒОН район «Узсельхозтехника» бирлашмаси қошидаги олти ойлик механизаторлар тайёрлаш курсида ҳозир 48 йигит-қиз таълим олмоқда. Улар яқинда курсни тугатиб колхоз-совхоз далаларига ишга чиқадилар. СУРАТДА: ўқитувчи А. ГАСАНОВ ўқувчилар билан амалий машғулот ўтказмоқда.

Х. АВВАЛОВ фотоси.

ВЕТЕРАН ШИЖОАТИ

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдушукур Қодиров Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводида 42 йилдан бери баракали меҳнат қилиб келмоқда. Корхона коллективи бу қаҳрамон ишчини беш йилликлар сардори сифатида ҳам ҳурмат қилади. Ветеран ишчи ўзининг илк меҳнат фаолиятини бошлагандан буён ўтган қатор тарихий беш йилликлар планини доимо муддатидан илгари бажариб келди.

А. Қодировнинг тажрибали ишчиларга хос ҳақиқий истеъдоди тўққизинчи беш йилликнинг ўтган уч йили давомида янада яққол намоён бўлди. Илғор ишчиларнинг тўққизинчи беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш юзасидан бошланган ташаббуслари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланиб, шу ҳақда махсус қарор қабул қилинганидан сўнг Абдушукур ака ҳам ёшларга хос зўр ғайрат билан ишга киришди ва завод ишчилари орасида биринчи бўлиб шахсий беш йиллик планини муддатидан илгари бажарди.

Айни кунларда А. Қодиров корхонада икки станокчи коммунист сифатида танилган моҳир токарь В. Дунаев билан мусобақалашиб ишламоқда.

— Смена давомида, — дейди ветеран ишчи — мотовоз ва тепловозлар учун бешта ўрнига 8 тадан ғилдирак тайёрлашга улгурмоқдаман. Бунга фақат меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришаётирман. Ўйлайманки, иш вақтидан тўғри ва унумли фойдаланган, ўз дастгоҳининг бир меёрда тўхтовсиз ишлаб туришини таъминлаган ҳар бир ишчи юқори кўрсаткичга эришиши мумкин.

Ҳозир 1976 йилнинг июнь ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқараётирман. Мақсадим — шу беш йилликда ўнинчи беш йилликни ҳам бажариш. Ваъдам қатъий, албатта бажараман.

Ж. МАҲМУДОВ.

УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ ТАРАДДУДИ

✦ ЧИРЧИҚ. Индустрия шаҳрининг меҳнаткашлари шанбаликда бажонидил иштирок этишларини билдирмоқдалар. Корхона ва ташкилотларда бу муҳим кунда бажариладиган ишларнинг умумий ҳажми конкрет аниқланиб, керакли тадбирлар ишлаб чиқилаётир.

Саноат, коммунал хўжалик корхоналарида ва кўпгина ташкилотларда территорияларни ободонлаштириш, ниҳоллар ўтказиш ишлари амалга оширилади. Биргина «Чирчиқсельмаш» заводида ўша куни 16000 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шанбаликдан тушган пул эса тўққизинчи беш йиллик жамғармасига ўтказилади. Завод территориясида мевали ва манзарали дарахтлар ўтказилади.

Т. УРУНОВ.
Н. ПИРМЕТОВ.

✦ ЧИНОЗ. Район маиший хизмат кўрсатиш коллективи 20 апрелда ўтказиладиган Бутуниттифоқ ленинча коммунистик шанбаликда актив иштирок этади. Шу куни 180 киши ишлаб чиқаришда, 65 киши эса ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларида қатнашади.

Шу райондаги Олмазор боғдорчилик-узумчилик совхозининг соҳибкорлари ҳам қизил шанбаликда қатнашиб, ўз меҳнат самараларини беш йиллик фондига ўтказишади. Совхозда шу куни дала ишларида 390 киши меҳнат қилади. Жумладан ариқ ёқаларига, жамоат бинолари атрофларига дарахтлар ўтқазилади.

Т. ТУҚЛИБОЕВ.

ҲОЗИР физика-техника олимлари олдида қатор муҳим вазифалар турибди. Айниқса, халқ хўжалиги учун зарур бўлган техникавий воситалар тайёрлашда ва уларни амалда қўллашда бу соҳа олимларининг тадқиқотлари катта амалий аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Физика-техника илмий текшириш институтида ҳам қатор тадқиқотлар устида иш олиб борилмоқда. Ярим ўтказгичлар бўйича бажарилган илмий кузатишлар ҳам ижодий ютуқлардан бири бўлди. Институтнинг ярим ўтказгичлар бўлими олимлари ҳозирда ҳам бу муаммо устида жиддий иш олиб бормоқдалар.

Суратда: ярим ўтказгичлар бўлимининг катта инженери Муҳаббат Улуғова ва инженер Машҳура Мақсудовалар лабораторияда.

М. Нуриддинов фотоси.

ШАНБАЛИК АРАФАСИДА

Бутун совет халқи 20 апрель — қизил шанбаликни муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш учун курашмоқда. Ленинча шанбалик куни кўп, сифатли, ҳамда арзон маҳсулот ишлаб чиқариш ҳар бир меҳнаткашнинг дилидаги ниятдир.

Ленин «буюк почин» деб номлаган бу ҳайрли ишда областимиз шаҳар, районлари меҳнаткашлари ҳам актив қатнашмоқдалар.

20 апрель куни Янгийўл шаҳри инженер-техник ходимлари, бунёдкорлари, барча ташкилотлари коллективлари меҳнат вахтасида турадилар. Шаҳар ҳиёбонлари, сайлгоҳлари кекса-ю, ёш-яланглариниг меҳнат шижоатига тўлади. Шаҳар партия комитети ҳузурида шанбаликни ўтказиш бўйича штаб тузилди. Янгийўлликлар шанба куни иқтисод қилинган хомашё ва материаллар ҳисобига 18 тонна турли хил металл, деталлар, 500 минг дона пластмасса идиш, 100 минг дона консерва қопқоғи, қурилиш объектлари учун 120 куб метр бетон аралашмаси тайёрлаб бериш, шунингдек, 8 минг сўмлик мебель фурнитураси, 130 тонна ёғ, 90 тонна кондитер маҳсулотлари, 6,5 минг жуфт пойафзал, 19 тонна ем ачитқиси, 15 тонна колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш, 15 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш, 20 минг тонна халқ хўжалик юкларини манзилларига етказиб бериш, беш йиллик фондига 30 минг сўмлик иш ҳақи ўтқазишга аҳд қилишди.

Шу куни бир неча минг киши йўл чеккалари, ҳиёбонларга мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазадилар, ободончилик ишларини олиб борадилар.

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

НАЗОРАТЧИЛАРНИНГ ИБРАТЛИ ТАШАББУСИ

Самарадорлик халқ назоратчилари фаолиятининг асосий мезонидир. Бунинг учун эса назорат майда-чуйда нарсаларгa эмас, балки асосий масалаларни ҳал этишга қаратилиши лозим. Ана шунда назоратчилар белгиланган план ва топшириқларни бажаришда маъмуриятга катта ёрдам берган бўладилар. Бу жиҳатдан Бекободдаги В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи, 16-қурилиш трести, Олмалиқ кимё заводи халқ контроли группалари бошлаб берган ташаббус ибратлидир. Улар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1974 йил халқ хўжалиги планларини муддатидан илгари бажариш учун саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарорига жавобан ва Ўзбекистон ССР ҳамда Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги юбилейини муносиб кутиб олиш мақсадида Ўзбекистон металл заводи сирланган идиш-товоқлар цехи қурилишини тезлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш, Олмалиқ кимё заводида эса биринчи навбат қурилиши қувватларини тезроқ лойиҳада кўрсатилганига етказиш, иккинчи навбат қурилиши ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиришни эса муддатидан илгари амалга ошириш юзасидан ташаббус бошладилар.

Ана шу мақсадда ҳар уч корхона назоратчилари ўзаро ҳамфикр бўлиб, тадбирлар белгиладилар. Бу тадбирларда план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши, ускуналар, кабель маҳсулотлари ва бошқа буюмларнинг ўз вақтида етказиб берилишини алоҳида назорат остига олиб бориш, социалистик мулкнинг кўз қорачиғидай сақланишига эришилишини, қурилиш материаллари ва меҳнат ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш кўзда тутилади.

Қурилишнинг ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳисобга олиниб, объектларда халқ контроли группалари вакиллари кенгаши тузилди. Бу кенгашга металл заводи, қурилиш трести ва қурилиш-монтаж ташкилотларида меҳнат қилувчи энг яхши назоратчилар аъзо қилиб олинди. Уларнинг зиммасига конкрет топшириқлар юклатилди. Кенгаш қурилишнинг боришини кундалик назорат қилиб боради ва алақадор ташкилотлар билан боғлиқ бўлган масалаларни оператив ҳал қилиш юзасидан тадбирлар кўради, зарур ҳолларда эса масалани партия ва совет органлари муҳокамасига кўяди.

Кенгаш аъзолари пудратчи корхоналар ва лойиҳалаш ташкилотларининг барча халқ контроли группаларига мурожаат қилиб, уларни ускуналарни ўз вақтида ва муддатидан илгари етказиб, берилишига кўмаклашишга чақирдилар. Назоратнинг изчиллиги ва оммавийлигини таъминлаш учун объектларда «Халқ назорати экранлари» ташкил этилди.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши ҳеч шубҳасиз қурилишларни коллективлар томонидан зиммага олинган социалистик мажбуриятларда кўрсатилган муддатларда тугаллашга ёрдам беради.

Ўзбекистон металлургия заводи назоратчилари сирланган идишлар цехи битказилиб фойдаланишга топширилгач, лойиҳада кўрсатилган ишлаб чиқариш қувватларининг тезроқ ўзлаштирилишида ҳам актив қатнашадилар.

Олмалиқ химия заводи халқ назоратчилари ҳам партия ташкилоти ва маъмурият томонидан белгиланган, тадбирларнинг бажарилишини доимий назорат қилиб бормоқдалар. Ана шу тадбирларда биринчи навбат қурилишнинг лойиҳа қувватидан фойдаланиш даражасини 1973 йилдаги 81 процентдан 1974 йилда 90 процентга кўтариш ва минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни 670 минг тоннага етказиш кўзда тутилади. Кимё заводи иккинчи навбат қурилишида эса барча тўртта технологик линиялардаги созлаш ишларини назорат қилишни кучайтириш, қўшимча конвейерлар ўрнатиш, қурилиш-монтаж ишларини сифатли бажариш, технология режимларига қатъий амал қилиш, барча цех ва участкаларнинг бир меёрда хом ашё ва материаллар билан таъминлаш, ёқилғи ва электр қувватидан тежаб-тергаб фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатли бўлиши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилинишини назорат қилиб боришга аҳд қилдилар. Завод халқ назоратчилари 1974 йилда пландан ташқари 20 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқариш юзасидан зиммага олинган оширилган мажбуриятнинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашмоқдалар.

Ўзбекистон металлургия заводи, 16-қурилиш трести, ва Олмалиқ кимё заводи халқ контроли группаларининг бу ташаббуси область халқ контроли комитети томонидан маъқулланди. Уларнинг бу ташаббусини кенг ёйиш, ҳамма ерда назоратнинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш тавсия этилди.

БУТУНИТТИФОҚ КЎРГАЗМАСИ

Тошкентда Ўзбекистон ҳаваскор рассомларининг республика кўриги ўз ишини якунлади. Бу кўргазма ҳаваскор рассомларнинг халқ санъатини ўзларига ҳос равишда эгаллагانликларини, янги манзара кашф этганликларини, изланиш натижасида ютуқларга эришаётганликларини кўрсатди. Шунинг қувончлиги, кўргазмадан тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, графика асарлари ҳам, халқ усталари ишлари ҳам ўрин олган бўлиб, улар тимсолида маданий ҳаётимизнинг равнақи намоён бўлди. Республика кўргазмасини кўздан кечирган жюри аъзолари кўргазмага якун ясаб, йиғирмадан ортиқ ҳаваскор авторларни диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади.

Жюри аъзолари шу йил май ойида ВЦСПС ва СССР Маданият Министрлиги томонидан уюштириладиган Бутуниттифоқ ҳаваскор рассомлар кўргазмасига уч юздан зиёд тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, графика асарларини ажратди ва Москвага юборди.

Чирчиқдаги электрокомбинатнинг Маданият саройи ва Тошкент тўқимачиларнинг тасвирий санъат студиялари ҳам Бутуниттифоқ кўргазмасида иштирок этади. Бундан ташқари Тошкент областининг турли районида истиқомат қилувчи анчагина ҳаваскор рассомлар асарлари ҳам кўргазмада қатнашиш шарафига муяссар бўлди. Ғазалкентлик дурадгор, истеъдодли рассом Рашид Ниёзбоев (у расмларни акварелда маҳорат билан чизади), «Миконд» заводининг мастери, ажойиб полотнолар автори Маҳмуд Алимов, «Ташсельмаш» заводининг буёқчиси Рифа Габдираҳимов, тошкентлик бульдозерчи, линогравюра устаси Виктор Базарнов, политехника институти студенти Николай Литвинов ва бошқаларнинг асарлари шулар жумласидан. Шунингдек тўқимачилар маданият саройи санъат студияси иштирокчилари томонидан ишланган, Тошкент тўқимачилик комбинатининг илғор ишчилари портретлари учун кўргазма залларидан махсус «методик бурчак» очиш мўлжалланди. Булар, албатта, Тошкент области ҳаваскор рассомларининг эришган ютуқларини кўрсатувчи фактлардир. Ўйлаймизки, уларнинг асарлари кўрикдан муваффақиятли ўтади ва томошабинлар диққатига сазовор бўлади.

Т. ОДИЛБЕКОВ.

Суратларда: М. Алиев ишлаган «Раққоса» (чапда) ҳайкали. «Монтажчилар» (ўнгда) гравюраси эса Н. Лапшов мўйқаламига мансуб. Автор фоторепродукциялари.

Жаҳон янгиликлари

СОВЕТ ЛОЙИҲАСИГА МУВОФИҚ

ИСЛОМОБОД, 21 март. (ТАСС). Бу ерда Совет Иттифоқининг Карачида қуриладиган металлургия заводининг биринчи навбати учун керакли машина — ускуна ва материалларни Покистонга етказиб бериши тўғрисидаги шартнома имзоланди. Бу шартнома имзоланиши билан мамлакатнинг биринчи металлургия корхонасини қуришга киришилди.

Лойиҳага мувофиқ корхона йилига 1 миллион 100 минг тонна пўлат ишлаб чиқаради.

ГАВАНА ВИЛОЯТИ КОММУНИСТЛАРИНИНГ АНЖУМАНИ

ГАВАНА, 21 март. (ТАСС). Бу ерда Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Революцион ҳукумат Бош министри Фидель Кастро раислигида Гавана вилоятининг биринчи конференцияси ўз ишини бошлади.

Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Компартия Гавана вилоят комитетининг биринчи секретари Хосе Рамон Мачадо Вентура доклад қилди. У Куба Компартияси вилоят ташкилоти фаолиятининг якунларини батафсил таҳлил этди. Вилоятдаги коммунистлар, деб таъкидлади у, Саноатда, қишлоқ хўжалигида, қурилишда, хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаб чиқариш планларини бажариш учун кўп иш қилдилар. Буларнинг ҳаммаси партия томонидан қўйилган асосий вазифани — халқимизнинг моддий даражаси ва маданий савиясини ошириш учун кураш вазифасини муваффақиятли суратда бажара бориш имконини беради.

ЧИЛИ ЗЎР БЕРИБ МИЛИТАРЛАШТИРИЛМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 21 март. (ТАСС). Сантьягодан хабар беришларига қараганда, Чили ҳарбий хунтаси 33 ёшгача бўлган резервдаги кишилар ҳарбий хизматга чақирилади, деб эълон қилган. Хунтанинг бошлиғи генерал Пиночет имзолаган бу буйруқда бундай фармойишни асослаш учун ҳеч қандай далил келтирилмайди. Ана шу буйруққа биноан чилиликлардан яна неча ўн минглаб киши ҳарбий кийим кийиб олиши керак.

Сиёсий кузатувчиларнинг фикрича, хунтанинг бу тадбири мамлакатни милитарлаштиришни кучайтириш ва репрессияни давом этириш нияти билан боғланган. Ана шу янги ҳарбий хизматчилардан асосан Сантьяго ва Чилидаги бошқа шаҳарларнинг кўчаларида кундузи ҳам, кечаси ҳам соқчилик қилиш учун, шунингдек маъмурий вазифаларни бажариш учун фойдаланилади. Хунта бу вазифаларни бажаришни фақат ҳарбийларга ишониб топширади.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БУХАРЕСТ. Алатинадаги алюминий заводида йилига 25 минг тонна алюминий ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги электролиз цехи қурилиши тугалланди. Янги цех шу йилнинг ўзидаёқ 14 минг тонна металл беради.

СТОКГОЛЬМ. Швециядаги йирик «Вольво» автомобиль компаниясининг раҳбарлари Жанубий Африка Республикаси саноатига бундан буён капитал маблағ сарфлашдан бош тортганлигини билдирди. Бундай қарор Жанубий Африка Республикасининг иркчи режими ўтказиб келаётган сиёсатни қоралаш белгиси сифатида вужудга келди.

ДАМАШҚ. Суриянинг шимоли-шарқий районларида сув тошқини давом этмоқда. Сўнгги кунларда бу ерда ёққан жала тошқинга сабаб бўлди. Бир қанча аҳоли пункти, шу жумладан Абу-Камол шаҳри ҳам батамом сув остида қолди. Юзлаб уй-жой биноларга вайрон бўлди, экинзорларни сув босиб кетди.

Қутқарув ишларида қатнашиш учун армия қисмлари юборилди. Табиий офат рўй берган районларга вертолётлар ёрдамида дори-дармон, қутқариш воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари ташилмоқда.

АДДИС-АБЕБА. Эфиопияда мамлакатнинг янги конституцияси лойиҳасини тайёрлаш лозим бўлган комитет тузилди.

Комитет составига 30 киши кирди. Булар салтанат кенгаши, парламент ҳар иккала палатаси, диний гуруҳлар, Эфиопия қасаба союзлари конфедерацияси, ўқув юртлари, савдогарлар ва саноатчилар вакилларидан иборат.

Бош министр Энделкачеу Маконнен конституцион комитетга «мамлакатнинг бўлажак сиёсатига мустаҳкам асос тайёрлаш» кўрсатмаси берилган, деди.

Комитет ўз тавсиясини 6 ой мобайнида тақдим этиши лозим.

КАНБЕРРА. Австралияда забастовка қураши авж олмоқда. Металлист ишчилардан 400 минг киши иш ҳақининг оширилишини ҳамда ишчи ҳафтаси қисқартирилишини талаб қилиб 48 соатлик забастовка ўтказди. Янги Жанубий Уэльс штатида ўн минг шахтёр иш ташлади. Улар иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар. Сиднейда темир йўлларнинг проводниклари ҳам забастовка бошлашди.

(ТАСС, 21 март).

ЗИМБАБВЕ халқининг озодлиги ва миллий мустақиллиги учун кураш тобора қизиб бормоқда. Бу ҳаракатдан чўчиган Жанубий Родезия иркчилар ҳукумати зўр бериб қуролланишни авжига чиқармоқда. Сурат да: навбатдаги армияга чақирилган жангчилар ҳарбий тайёргарлик машқларида.

Камера ПРЕСС—ТАСС фотоси.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ҚОВОҚ ДАРАХТЛАРИ

БИРМА ўрмонзорларида танасининг йўғонлиги бир ярим метрча келадиган 30 миллион тупга яқин қовоқ дарахтлари борлиги аниқланди. Ҳар йили мамлакатда улардан 450 минг тонна қимматбаҳо ёғоч тайёрланади.

•

САХНАДА ТИМСОҲЛАР

БАНГКОКДАН бир соатлик чамаси йўлдаги Самутпракан (Таиланд) деган жойда 1950 йилда тимсоҳларни урчитиш фермаси ташкил этилган эди. Ҳозир бу ердаги судралувчилар сони 10 мингдан ошиб кетди. Ферма ҳар йили чет эл ҳайвонот боғларига 3,5 мингдан ортиқ тимсоҳ етказиб беряпти.

Лекин, ватанида қолган тимсоҳлар ҳам дурust даромад келтиришяпти. Ферма хизматчилари Таиландга, Осиё, Европа ва Америкадан келувчи минг-минглаб хорижий мамлакат саёҳатчиларига ўргатилган ҳайвонлар иштирокида томошалар кўрсатиб катта фойда олмоқдалар.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Қўғирчоқ фильм. 10.20 — **Экран хандаси.** 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Мультфильмлар. 11.40 — Инсон. Ер ва Коинот. 12.10 — СССР композиторларининг V съезди олдидан. 13.00 — Рус рассомлари ҳақида ҳикоялар. Карл Брюллов. 13.20 — Ота-оналар, сизлар учун. 13.50 — Музикали программа. 14.20 — **Севиль** (бадиий фильм). 15.50 — «Здоровье». 16.20 — Цирк чиқишлари. 17.05 — «Америка бўйлаб». 17.35 — ТОШКЕНТ. 17.40 — «Бойчечак». 18.10 — Оламга саёҳат. 19.10 — «Ахборот». 19.25 — Концерт. 20.00 — Турмуш ва маданият. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — **Баҳор қайтмайди** (телеспектаклнинг 2-қисми). 22.00 — «Вақт». 22.30 — Социалистик мусобақа кенг кулоч ёйиш. 22.45 — **Оловнинг бўйсундирилиши** (бадиий фильмнинг 1-серияси). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.30 — ТОШКЕНТ Ўқув кўрсатувлари. 17.35 — МОСКВА. **Ҳайвонот оламида.** 18.35 — Шоир Сергей Михалковнинг ижодий кечаси. 21.00 — Телеспектакль. 22.00 — Физкультура ва спорт. (Тошкент). 22.30 — Телеспектаклнинг давоми. 23.30 — Қиличбозлик бўйича халқаро мусобақалар. СССР — ИТАЛИЯ. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 16.20 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23 III да **Бир актли балетлар** (кундузи, билетлар сотилган), 25 III да **Доктор Айболит** (кундузи). **Концерт** (кечқурун, билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23 III да **Оқшомдан тушгача,** 24 III да **Парвона,** (кундузи) **Парвоз** (кечқурун), 25 III да **Бой ила хизматчи** (кундузи). **Оқшомдан тушгача** (кечқурун), 26 III да **Абу Райҳон Беруний** (кундуз ва кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23 III да **Хонума хоним,** 24 III да **Ўжарлар,** (кундузи), **Ҳижрон** (кечқурун), 25 III да **Ҳижрон** (кундузи), **Тошболта ошиқ** (кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **ҚОЗОҚ ДАВЛАТ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ** (19.30).

КИНО

Йўқолган миллионлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (11.00, 15.00, 19.00). «СПУТНИК», (11.00, 15.00, 19.00, 21.00). «МОСКВА» (11.30, 15.00, 19.00).

Хулоса — «ВОСТОК» (12.00, 21.45).

Ҳеч севганмисан?... — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Тинч океанда ҳам... — «МОСКВА» (13.15, 17.00, 20.45).

Янгиликлар

ПОЙТАХТНИНГ ЛИБОСИ

Андижон, Фарғона, Наманган областлари, Фрунзе, Душанбе кўчатзорларидан келтирилган миллион туп мевали ва манзарали дарахт кўчатларини Тошкент ҳиёбонларига ўтказиш бошланди. Пойтахтимиз йил сайин яшил либосга бурканиб боряпти. Ҳар йили баҳорда ва кузда янги кўчалар ва хиёбонларга минглаб туп ниҳоллар ўтқазилмоқда. Бу йилги кўчат ўтқазиш ойлиги шаҳарда зўр уюшқоқлик билан бошлаб юборилди.

Ўрта Оснёда энг йирик ҳисобланган «Ўзбекистон» меҳмонхонасини ободонлаштиришга киришилди. Бу ерда ярим гектарлик манзарали боғ ташкил қилинади. Кўчаларнинг бир қисми мана шу бўлажак боққа ўтказилмоқда. Ўзбекистон кўчасида очилган болалар боғи эса янада кенгаяди. Боғ оралаб ўтган ариқлар бўйига мажнун толлар, ипак акациялар, чинорлар ўтқазилмоқда. Киров кўчаси бўйлаб ташкил қилинаётган ҳиёбон ҳам ҳа демай яшил либосга бурканади.

Бу йил анҳор бўйи ҳам яна сўлим бўлади. Анҳорнинг Ўрдадан то Ўзбекистон кўчасигача бўлган қирғоғига минглаб туп манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилади. Дам олишга чиққан тошкентликлар анҳор бўйида сайл қилишиб, ҳузур қилиб дам оладилар.

КИТОБ БАЙРАМИ

Март ойининг сўнгги ҳафтасида ўтказиладиган китоб байрамига Тошкент область китоб савдоси ходимлари қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар. 25 мартда театр майдонида китоб бозори ташкил этилади. Шаҳримизнинг йирик китоб магазинлари ходимлари ўша кундан бошлаб бир ҳафта давомида китобхонларга савдо хизмати кўрсатадилар.

Китоб ҳафталиги давомида республика болалар кутубхонасида китобхонлар конференциялари, ёзувчилар билан учрашувлар ташкил қилинади. Бу учрашувларда китобхонлар юбилей йилида босиб чиқариладиган адабиётларнинг тематик планлари билан ҳам танишадилар. Бундай ҳафталик областимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам ташкил қилинади.

Э. РИЗАЕВ.

ТАНТИҚЛАР

Кечки оқшом шаҳар кўркига ҳусн берган. Равшан яқинларда танишиб олган Юлдуз билан «Король ва Анжелика» деган француз фильмини илгари кўрган бўлишларига қарамасдан, уни Санъат саройида яна бир бор томоша қилишди. Сўнгра улар кинодан олган таассуротларини ҳангомалашиб, сайр қилишди.

— Ромео, қара — деди Юлдуз узоқдан кўринib турган ҳашаматли ресторан биносига ишора қилиб.

Равшан бу ҳақда аввал ўзи гап очмаганлигидан бироз ҳижолат ҳам тортди.

— Хўп, Жюльеттам, — деди у Юлдузнинг ёниб турган кўзларига суқ билан қараб. Равшан назокат ила жилмайиб турган қизнинг қўлидан ушлаб тўғри ресторанга етаклади.

Ўтиришлари билан юзларининг ярмисини қоплаб турган бесўнақай қора кўзойнакларини столга қўйиб, оёқларини чалиштириб тиржайишди. Бироздан сўнг официантка келиб, гайри табиий ўтиришларига тааммуҳ билан қараб:

— Хўш, нима истайсизлар? — деди.

— Бир бутилка шампанское, закускалар эса вкусингизга қараб, — деди Юлдуз.

— Нима тамаддиқ қиласизлар?

— Табака, шашлик, ҳозирча шу, — деди Рустам.

Равшан қўлидаги сигарет пачкасини аввал Юлдузга тутказди, сўнгра ўзига биттасини олди, чекиш учун чўнтакларини тимирскилаётган эди, официантка зажигалка билан тутатиб қўйди.

— Мерси, — деди Равшан унинг хизматига миннатдорчилик билдирар экан.

Официантка коньяк, шампанский ва закускаларни олиб келиб, бутилкаларни очди.

— Сиҳат-саломатлигингиз учун ичинглар, — деди мулойимгина жилмайиб.

Равшан официантка кетиши билан закускаларни аввал Юлдузнинг, сўнгра ўзининг олдидаги тарелкаларга солди.

Ҳар иккала ёшнинг қилаётган ножўя хатти-ҳаракатларидан ранжиган официантка бир оздан сўнг ресторан администраторини етаклаб келди-да:

— Мана шулар, безорилик қилаётганлар, — деди.

Ресторандагилар Равшаннинг ҳар бир ножўя хатти-ҳаракатини кулгу, масхара билан қарши олишар, аммо фақат яхшигина томошабин ролини бажариб, бу содир бўлаётган воқеага аралашмас эдилар.

Милиционер келиб қолди. У Она сути оғзидан кетмаган ёш йигитни панд-насиҳат ва огоҳлантириш билан тартибга солиш мумкин эмаслигига ишонгач, уни хушёрҳонага олиб боришга қарор қилди.

— Қани гражданин, кетдик, — деди у жиддий бир тусда.

— Қаерга? — Равшан энсаси қотиб, милиционерга зарда билан қаради. — Дадамни биласанми, ким? —

— Эсиз тарбия — деди милиционер, — қани юр, буёққа!

Ресторанда содир бўлган бу воқеанинг эртаси Равшаннинг 15 суткага қамалганлиги ҳақида факультет декани Садр Фаёзовга шаҳар милиция хушёрхонаси бошлиғи хабар қилди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, студентлар ҳам пахтадан қайтиб, ўқиш бошланди. «Касал» Равшан ҳам тузалиб, факультетга қайтди. Унинг сочлари, соқол-мўйловлари устарада қиртишланган, ранг-боши анча сўлғин, ўзини бироз олдирган эди.

Ориф САИДОВ.

ФЕЛЬЕТОН

— Сени ота-онанг даврида саломат, ўйнаб-кулиб юришинг учун, — Равшан кулиб Юлдузга боқди.

— Сени ҳам, — деди Юлдуз сунъий назокат билан қўлидаги рюмкани уриштирар экан.

Равшан билан Юлдуз ширин суҳбатлашиб, бир бутилка шампанскийни бўшатиб қўйишди. Официантка иссиқ овқат олиб келганда, уларнинг ҳоли танг бўлиб қолган эди. Равшаннинг боши айланиб, кўзига ҳамма нарса хира бўлиб кўринар, музика садолари, артистнинг завқ билан айтаётган ашулалари, залдаги одамларнинг говур-гувурлари баттар бошини оғритарди.

— Тўхтатинг! Современный джазлардан бўлсин! — деди Равшан зарда билан муштини столга урар экан.

— Ресторанда шовқин-сурон кўтариш одобдан эмас, — деди официантка ерга тушиб, чил-чил бўлган рюмка ва фужерларнинг синигини терib олаётиб.

— Синса, синибди-да! Ҳақини бесдача тўлармиз.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" Натижаларни маълум қилади

ХЎЖАЛИК НЕГА ОҚСАМОҚДА?

Газетамизнинг 5 январь сонида босилиб чиққан юқоридаги сарлавҳали мақолада Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли ва Карл Маркс номли колхозларнинг хўжалик ишлари анализ қилинган эди. Бунда Свердлов номли колхозда пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида қўлга киритилаётган ютуқлар гапирилиб, шу хўжалик шароити ва имкониятлари бир хил бўлган қўшни Карл Маркс номли колхоз ишидаги камчиликлар кўрсатиб ўтилган эди.

Мақолада қайд қилинган барча камчиликлар муҳокама вақтида эътироф этилди.

Ўзбекистон КП Ўрта Чирчиқ район комитетининг секретари Ўртоқ У. Йўлдошевдан олинган жавобда маълум қилинишича, раҳбарликни таъминлай олмагани учун К. Маркс номли колхоз правлениеси ранси Г. Пак вазифасидан бўшатилиб, пахтачиликда бой тажрибага эга бўлган Свердлов номли колхознинг собиқ агрономи А. Мелнев правление ранси қилиб сайланган.

Колхоз правленнеси аъзолари партия комитети билан биргаликда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳар гектар майдондан олинадиган хосилдорликни ошириш, чорва молларининг маҳсулдорлигини кўпайтиришнинг комплекс тадбирларини ишлаб чиқишган. Бундан ташқари колхоз ишлаб чиқариш структурасини ўзгартириш учун ҳам катта ишлар қилинган. Барча қолоқ бригадалар тажрибали кадрлар билан мустаҳкамланган.

Спорт

ЧЕМПИОНАТ ТУГАДИ

«А» класси иккинчи группасида қатнашаётган хоккей командаларининг мамлакат чемпионати ниҳоясига етди. Сўнгги учрашувда Тошкентнинг «Бинокор» командаси ўз майдонида Темиртовнинг «Строитель» командасини қабул қилди.

Мусобақанинг биринчи кунида тошкентликлар кўтаринки руҳ билан ўйнаднлар ва 7:3 ҳисобида ғалаба қозондилар. Чамаси бу муваффақият командамиз аъзоларида хотиржамлик туғдирди. Улар ўз кучларига ортиқча баҳо бериб юборганликлари учун ҳам учрашувнинг иккинчи кунида муносиб жазо олдилар. Меҳмонлар тошкентлик хоккейчиларни ҳужумда ҳам, ҳимояда ҳам орқада қолдиравердилар. Шундан кейин командамиз тренерлари мағлубият хавфини сезиб, майдонга асосий составни туширишга мажбур бўлдилар. Аммо улар кечикишган эди. Меҳмонлар ҳамжиҳатлигини қўлдан бермай 4:3 ҳисобида муваффақият қозонишди.

«Бинокор» командаси чемпионатни 57 очко билан тўртинчи ўринда якунлади.

ИККИНЧИ ҒАЛАБА

«А» классининг биринчи группасида қатнашаётган Тошкентнинг «Динамо» командаси волейболчи йигитлари СССР биринчилигининг учинчи тур мусобақаларини муваффақиятли ўтказмоқдалар. Мусобақанинг дастлабки кунида улар Сочининг динамочилари устидан ғалаба қозонишган эди. Куни кеча йигитларимиз Вильнюснинг «Кураппаратура» командаси билан учрашиб, 3:0 ҳисобида ютиб чиқдилар. Чемпионат Тошкент округ офицерлар уйи спорт майдонида давом этмоқда.

ФИНИШ ЯҚИН

Олий лига шахматчиларининг Ўзбекистон биринчилиги ҳадемай якунланади. Чемпионатда қатнашаётган шахматчилар финиш яқинлашган сари курашни кескинлаштирмоқдалар. Ўн уч турдан сўнг ангренлик спорт мастери Левон Григорян 8 очко билан олдинда келмоқда. Грушевский, Г. Аъзамов ва Пинчук эса у билан изма-из келмоқдалар.

ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

«Комсомолец Узбекистана» газетаси совғини учун Тошкентнинг «Старт» стадионида ўтказилаётган полвонлар Бутуниттифоқ мусобақасида саккиз қардош республикадан келган 50 га яқин спортчи ўзаро беллашмоқда. Курашнинг дзюдо тури бўйича беш хил вазндаги полвонлар уч кун давомида куч синашадилар. Учрашув охирида эса абсалют биринчилик учун мусобақа уюштирилади.

Тошкент сув спорти саройида сузувчиларнинг республика биринчилиги старт олди. «Комсомолец Узбекистана» газетаси совғини учун ўтказилаётган бу мусобақа бир неча кун давом этади.

«ЛОКОМОТИВ» — КУБОК СОҲИБИ

Темирйўлчиларнинг халқаро спорт союзи кубоги учун ўтказилган мусобақаларнинг финал ўйинида Москванинг «Локомотив» командаси Софиянинг темир йўлчилар командасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, кубокни қўлга киритди. Сочида бўлиб ўтган бу учрашувда тўпларни Юрий Чесноков (иккита) ва Юрий Рижовлар киритдилар.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«Тошкент ҳақиқати» газета-редакцияси коллективи редакция ходими Матлуба Саидалихўжаевага отаси

Саидбоқихўжа САИДАЛИХЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р. 10400. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64834. А—2459.